

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЭШДАВЛАТОВ ОРИФ ЗОКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ПОПУЛЯЦИЯДАГИ
АСАЛАРИЛАРНИНГ ҚИШЛОВ ДАВРИДАГИ ЧИДАМЛИЛИГИНИ
ОШИРИШ**

**06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшдавлатов Ориф Зокирович

Ўзбекистон шароитида маҳаллий популяциядаги асариларнинг қишлоқ
давридаги чидамлилигини ошириш..... 3

Эшдавлатов Ориф Зокирович

Повышение эффективности зимовки местных популяции пчел в условиях
Узбекистана.....21

Eshdavlatov Orif Zokirovich

Preferment effectiveness wintering of local populations bees in condition of
Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Listof published works.....42

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЭШДАВЛАТОВ ОРИФ ЗОКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ПОПУЛЯЦИЯДАГИ
АСАЛАРИЛАРНИНГ ҚИШЛОВ ДАВРИДАГИ ЧИДАМЛИЛИГИНИ
ОШИРИШ**

**06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Qx482-рақам билан руйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.svmif.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тўраев Омон Сафарович кишлоқ хўжалик фанлари номзоди
Расмий оппонентлар:	Данияров Умирзоқ Тухтамуродович кишлоқ хўжалик фанлари доктори Қахрамонов Боймаҳмат Абдмазизович кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент
Ётақчи ташкилот:	Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиали ҳузуридаги кишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «02» 06 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111801, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўртаовул Қ.Ф.Й, А.Темур кўчаси Тел: (99870) 975-83-11; email: svmif@yandex.ru, www.svmif.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1 рақами билан руйхатга олинган). (Манзил: 111801, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўртаовул Қ.Ф.Й, А.Темур кўчаси Тел: (99870) 975-83-11; факс: (99870)9758311).

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 05 кунин тарқатилди.
(2021 йил «28» 05 даги 1 -рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
Б.К. Малартов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси к.х.ф.д., профессор

[Signature]
М.Э. Гойипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.ф.д., (PhD)

[Signature]
С.И. Маалонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси в.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бугунги кунда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бутун жаҳон озиқ-овқат ҳавфсизлиги ташкилотининг (ФАО) 2019 йил бўйича «...жаҳонда асал ишлаб чиқариш бўйича Ҳиндистон, Хитой, Туркия мамлакатлари етакчи ўринларни эгаллайди»¹, деб маълумотлар берилган. Аммо асалари оиласи сони бўйича Осиё 42,4%, Европа 21,4%, Африка 21,2% ни ташкил этган. Кейинги пайтларда асалари оилаларини камайиб кетиши кузатилмоқда. Бунинг учун асалари оилалари қишловини тўғри ташкил этиш, қишловдан талофатсиз чиқариш бугунги кунда дунё асаларичилик соҳасида долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Жаҳонда асаларичилик соҳаси ривожланган давлатларда ўзларининг маҳаллий популяциядаги асаларилари устида йиллар давомида илмий ишлар олиб борилган. Мазкур йўналишда маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлов давридаги паст хароратларга чидамлилигини ошириш мақсадида замонавий инновацион технологияларини ишлаб чиқиш, асалариларни сифат жиҳатдан тубдан яхшилаш, кўпайтириш, уларни табиий озуқалар билан озиқлантириб қишдан нобуд қилмай олиб чиқиш ҳамда улардан табиий экологик тоза асал маҳсулоти олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида маҳаллий популяциядаги асалариларни қишловга тайёрлаш ва уни муваффақиятли қишдан ўтишини ташкил этиш, мўл асал ҳосили олиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»² вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, жумладан асаларичиликда қишловни талофатсиз ўтказишни асалари оилалари янада ривожланишини ва кескин континентал иқлим шароитида маҳаллий популяциядаги асалариларини қишловга чидамлилигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5358-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сонли «Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча

¹www.apiwold.ru

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони

чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг - V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусида устувор йўналиши доирасида бажарилган (2014-2015 йй.)

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий популяциядаги асаларилар маҳсулдорлигини ва қишлоқ даврига чидамлилигини ошириш, популяцияларни ирсий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича республикамизда ва хорижий давлатларида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, натижалари амалиётга жорий этилган. Хорижий олимлар, хусусан: Г.Д.Билаш, А.И.Кривцов, Е.К.Еськов, М.В.Жерёбкин, А.Г.Маннапов, Л.Я.Морева, Г.Ф.Таранов, Г.А.Аветисян, ва республикамиз олимлари Н.Ф.Крахотин, Х.К.Ниқадамбоев, О.С.Тўраев, О.А.Махмадияровларнинг илмий тадқиқот ишларида асалари оиласини ривожланиш босқичларини ҳар хил ҳудудларда маҳаллий популяциядаги асалариларнинг хусусиятлари, она асаларини кунлик тухум қўйиш даражасини ҳамда асалари қишлоқини талофатсиз ўтказиш борасида кўпгина тадқиқот ишларини олиб борилган. Аммо асалари қишлоқи даврида асалари организмда бўладиган ҳар хил физиологик ўзгаришлар ҳамда асаларининг орқа ичагидаги бўладиган каталаза ферментини фаоллик даражаси етарлича ўрганилмаган. Бу йўналишда тадқиқотлар республикамизда маҳаллий популяциядаги асалариларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш билан бирга асалари оилаларини касалликка чидамлилик даражасини оширади ва қишлоқдан талофатсиз чиқиши имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ҚХА-8-089 «Ўзбекистонда маҳаллий популяциядаги асалариларнинг генофондини сақлаб қолиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган. (2014-2015 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоқ давридаги чидамлилигини ошириш усулларини такомиллаштириш ва ушбу даврда маҳсулдорлигини ошириш омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асалари оиласини қишлоқ мавсумига тайёрлаш усулларини такомиллаштириш;

асалари уяси ичидаги ва ташқи муҳитдаги микроиқлим кўрсаткичларини, уядаги карбонат ангидрид гази, кислород ва намлик

даражасини аниқлаш;

асалари оиласининг қишлов даврида озуқа сарфи ва унинг организмга таъсирини аниқлаш;

қишлов даврида асалари чиқими ва варроа канаси билан зарарланганлик даражасини аниқлаш;

асалари қишловидан сўнг асалари оиласини ўсиши ва ривожланишини аниқлаш;

қишлов даврида ҳар хил конструкциядаги асалари кутиларини қишловга ва оила маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

асалари оиласининг асал ва мум маҳсулдорлигини сифатини баҳолаш;

маҳаллий популяциядаги асаларилар қишлов даврига чидамлилигини ошириш усулларини такомиллаштириш ва ушбу даврда маҳсулдорлигини ошириш омилларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида боқиладиган маҳаллий популяциядаги асалари оилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети - маҳаллий популяциядаги асалари оилалар маҳсулдорлигини, озиклантириш омилларини, асалари қишлови даврида озуқани асалари организмга таъсирини ва қишловга чидамлилигини ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини бажаришда Н.Л. Буренин, Г.Н. Котованин «Асалари оиласини баҳолаш», В.М. Жерёбкин, П.Т. Лебедев, А.Т. Усовичнинг «Асалари организмда бўладиган физиологик ўзгаришлар», В. Еськовнинг «Микроклим параметрларини ўрганиш», Г.Д. Билаш, А.И. Кривцовнинг «Асалариларнинг экстерьер кўрсаткичлари» усулларида ҳамда Россия асаларичилик илмий-тадқиқот институтининг «Озуқа сарфи ва она асаларининг кунлик тухум қўйиш даражаси» услубий йўриқномасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг ўзига ҳос иқлим шароитида маҳаллий популяциядаги асалари оилаларини қишлов даврига чидамлилигини ошириш мақсадида Дадан типидagi 12 рамка ва 16, 20 рамкали ётиқ кутилар бир бири билан таққосланганда 20 рамкали ётиқ кутиларда қишловдан талофатсиз чиқиши исботланган;

асалари оилалари озуқасига майсали буғдой (сумалак) суви қўшиб берилганда озуқа таркибидаги углевод, ёғ ва оксилларни ҳазмловчи ферментлар фаолияти яхшиланганлиги ҳисобига нажас миқдорининг камайиши, асалариларни қишловга чидамлилиги 15-20% га ошиши исботланган;

қишловдан олдин асалариларни озуқасига майсали буғдой (сумалак) суви қўшиб озиклантириш натижасида асаларилар организмда қишлов учун зарур бўладиган ёғ миқдори 181,9% га ошиши исботланган.

асалари оилалари 16 рамкали ётиқ кутилардаги эски рамкаларда қишловга тайёрланганда эски рамкаларда юқумли нозематоз касаллигини кўзғатувчи *Nozeta apis* замбуруғ споралари кўплиги сабабли асалариларнинг

касалланиши 23,5% гача ортиши, 20 рамкали ётиқ қутиларда янги рамкаларда қишлоғга тайёрланганда эса касалланиш 1,4% га камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқлим шароитига кўра маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоғ даврида турли омилларга чидамлилигини ошириш ва асалариларнинг қишлоғ давридан талофатсиз чиқиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган;

асалари оиласи қишлоғини тўғри ташкил этишда янги мум катакли рамкалардан фойдаланганда тажриба гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан ҳар бир асалари оилаларидан 3,4 кг гача кўп асал тўплаши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар замонавий илмий-тадқиқот ишлари услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш Маркази ва Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси апробация комиссиялари томонидан тасдиқланганлиги ва ишланмаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда асалари оилаларига майсали буғдой (сумалак) суви озукасига қўшиб берилганда она асаларини кунлик тухум қўйиш даражаси ошганлиги, қишлоғ даврида асаларининг орқа ичагида нажас миқдори кам тўпланганлиги ва асал миқдорининг ортиши назарий жиҳатдан асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамизнинг иқлим шароитида маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоғ даврида турли омилларга чидамлилигини ошириш мақсадида янги мум катакли рамкаларда ва 20 рамкали ётиқ арихоналарда асалари оилаларини қишлатиш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоғ даврида чидамлилигини ошириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Тошкент вилояти Паркент тумани «Toshkent Bee Agro» асаларичилик оилавий корхонасида янги мум катакли рамкаларда қишлатиш жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 29 декабрь 2020 йилдаги 02/23-443-сонли маълумотномаси). Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидаги ҳар бир асалари оиласидан ўртача 3,4 кг. гача кўп асал олинган;

асалари оиласини қишлоғга чидамлилигини оширишда майсали буғдой (сумалак) сувини бериш бўйича таклифлар «Ғуломхўжа асалчилиги» фермер хўжалигида (Тошкент вилояти Тошкент тумани Хасанбой Қ.Ф.Й Кенсой ҳудуди) амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 29 декабрь 2020

йилдаги 02/23-443-сон маълумотномаси). Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида ўртача 5,8 кг гача кўп асал олинган;

Тошкент вилояти Қибрай тумани «Артиқовлар» асаларичиликка ихтисослашган деҳқон хўжалигида асалари қишловини ташкил этишда 20 рамкали асалари қутиларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 29 декабрь 2020 йилдаги 02/23-443-сон маълумотномаси). Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида ҳар бир асалари оиласидан 28,9 кг асал, назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидаги асалари оилаларидан 4,4 кг.гача кўп асал олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 та республика 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб ва хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, адабиётлар шарҳи ёритилган, тадқиқотларнинг объекти ва предмети кўрсатилган, Ўзбекистон фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, материалларни чоп этганлиги, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоқ давридаги чидамлилигини оширишни илмий асослаш»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоқдаги хусусиятлари шу даврда озиклантириш ҳамда унинг танасида бўладиган айрим физиологик ўзгаришларга оид адабиётлар манбаи таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказган кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилган ва тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказиш жойи, материал ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида, тадқиқотларнинг ўтказиш жойи, схемаси, тадқиқотларда қўлланиладиган усул ва услублар ёритилган.

Илмий-тадқиқот ишлари 2017-2019 йилларда Ташкент вилояти Паркент туманидаги «Toshkent Bee Agro» асаларичилик хўжалигидаги, маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлоқ даврида чидамлилигини ошириш мавзусида илмий тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқотлар бир неча гуруҳларда ўтказилган. Бу бобда асалари уясидаги ҳарорат ва намлик даражасини қишлоқ даврида ўзгариб туриши, қишлоқ даврида асалари танасида бўладиган айрим физиологик ўзгаришлар, асалариларни қишлоқ даврида чидамлилигини ошириш йўллари, асалари қишлоққа таъсир қилувчи омиллар, ҳар хил конструкциядаги асалари қутиларида асалари қишлоқи ва бошқа хусусиятларини ўрганиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар натижалари» деб номланган учунчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бу қисмда асалари оилаларини қишлоққа чидамлилигини яхшилаш учун тажриба ўтказиладиган асаларичилик хўжалигидаги иккала участкасида бўлган 270 та асалари оилалари бирма-бир кўздан кечирилган ва баҳоланган. Шунингдек, асалари оиласининг асал ва мум маҳсулдорлиги, кўчки оила ажралиши хусусиятлари, она асаларини кунлик тухум қўйиш даражаси, асалари оиласини қишлоққа ва касалликларга чидамлик кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган.

Асалари оиласини қишлоққа чидамлилигини оширишда, унинг уясидаги рамкалар сони, эскириши каби бир қатор кўрсаткичлар ҳам ўрганиб чиқилган. Қишлоққа кираётган асалари уяларидаги озиқланиши учун асал миқдори, рамкаларнинг тузилиши, уларнинг ранги, неча йилдан буён ишлатилганлик муддати каби асосий кўрсаткичлар ўрганилган. Бунинг учун тажриба ва назорат гуруҳларининг ҳар бирида 10 тадан асалари оилалари ташкил этилган. Тажриба гуруҳларига сарғимтир-оқиш рангли, озуқавий асали бор рамкалар танлаб олинган. Назорат гуруҳида эса эски рамкалардан иборат бўлган озуқали асали бор рамкалар танлаб олинган. Тажриба гуруҳларидаги асалари оилаларда маҳсус озиқлантириш ишлари ўтказилмаган.

Асалари қишлоқини талофатсиз ўтказиш ва асалари чидамлигини оширишда уясида бўлган эски ва янги рамкаларнинг таъсири ўрганилган.

1-жадвал

Асалари қишлоқини ўташига уядаги рамкалар сифатини таъсири ($X \pm S_x$)

Гуруҳлар	n	Озуқа сарфи, кг	Асалари чиқими, гр	Касалликга чидамлилиги (нозематоз)%	Уянинг тозаллиги, балл
Назорат	10	12,1±3,41	245,9±12,3	3,5	8,5
I тажриба	10	9,4±3,8	114,5±9,2	1,5	9,4
II тажриба	10	9,2±3,4	112,3±9,1	1,4	9,9

1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, тажриба гуруҳларидаги очиқ рангли, тоза асалари рамкаларида қишлаган асалари оилаларида, қишлоқ даврида озуқа сарфи 9,4 кг-ни ташкил этган бўлса, бу назорат

гуруҳларида 12,1 кг ни ташкил этди ёки ўртача 77,6% га кам озуқа сарфлаши кузатилди. Қишлов даврида эски қора рангли асалари рамкаларида қишлаган назорат гуруҳларидаги асалари оилаларида асалари чиқими 245,9 граммни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич тажриба гуруҳларида 114,5 граммни ташкил этди ёки бу назорат гуруҳларига нисбати 131,4 гр-га ёки 46,5% га кам эканлигини аниқланди.

Худди шундай, назорат гуруҳида эски, қорайган рамкаларда қишлаган асалари оилаларида нозематоз касаллиги 3,5% га анча кўп бўлган. Натижада қишлов даврида асалари рамкалари ва қути деворлари касаллик белгилари билан анча ифлосланган, натижада уя тозаллиги сифатига берилган баллар баҳоси 8,5 баллга тушиб кетган.

Диссертациянинг «Қишлов даврида, асалари орқа ичагида бўладиган ўзгаришлар» қисмида асалари оиласини қишловга чидамлилигини ошириш мақсадида, асалари оиласини қишлов олдидан ҳар хил таркибдаги озуқалар билан озиклантиришлари олиб борилган. Асалари организмда озуқа моддаларини сарфланишива асалари орқа ичагида тўпланиб қоладиган ахлат (нажас) миқдорини қишлов даврида ўзгариб туриши ўрганилган. Бунинг учун қишловдан олдин, қишлов даврида ва қишловдан кейин ҳар бир тажрибадаги асалари оиласидан 20 тадан асалари намуналари олинди ва унинг орқа ичагида тўпланган нажас миқдори, дала электрон тарозисида ўлчаб борилган.

2-жадвал

Қишлов даврида асаларининг орқа ичагидаги нажас миқдори ўзгариб туриши, мг

Гуруҳлар		Декабрь	Январь	Февраль
Назорат	Lim	10-37	21-54	14-52
	X±Sx	21,40±1,4	34,55±1,2	28,22±0,79
	Cv%	2,46	3,21	4,62
I тажриба	Lim	9-35	19-39	8-19
	X±Sx	17,21±1,40	28,10±0,74	13,5±1,74
	Cv%	2,53	3,25	4,78
II тажриба	Lim	10-28	20-38	15-29
	X±Sx	19,0±1,15	29,0±0,21	22,0±0,91
	Cv%	2,41	3,11	4,15

2-жадвал маълумотларига кўрамайсаги буғдой (сумалак) суви билан озикланган тажриба гуруҳларида қишлов охирида асалари орқа ичаги энг кам миқдорда (13,5±1,74) нажас тўпланган. Назорат гуруҳларида эса у энг кўп январь ойида 34,5 мгни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар асалариларни қишлов даврида унинг чидамлилигини оширишда, уларни соғлом бўлиб чиқишидан далолат беради. Тажриба гуруҳларида эса бу кўрсаткич январь ойида 28,10 мгни ёки назорат гуруҳига нисбатан 6,45 мг га кам бўлганлигини ва 81,3% ни ташкил этди (P<0,995).

Натижада тажриба гуруҳларида қишлов даврида асалари орқа ичагида нажас миқдори назорат гуруҳига нисбатан декабрь ойида 80,4% га, январь ойида 81,3% га ва февраль ойида эса 37,9% га етганлиги аниқланди. Ўзгарувчанлик коэффициентлари ҳамма вариантларида ҳам 2,53-4,48% ни ташкил этди ($P > 0,999$).

Диссертациянинг «Қишлов даврида асаларилар танасида бўладиган айрим физиологик ўзгаришлар» қисмида асалари қишлови даврида, уларнинг оқсилга бой бўлган озуқаларга талаби жуда катта бўлган, чунки бу даврда асаларилар қишловга тайёрланиши, ўз организмида керакли миқдорда озуқа захираси тўплаши ва ёш личинкаларни тарбиялаши лозим. Ана шу даврда асалари озуқаси таркибида, оқсилга, витаминларга бой бўлган майсали буғдой (сумалак) сувини, шакар шарбатига қўшиб бериш, асалари оиласини ривожланишини ва чидамлилигини оширган. Қишлов даврида асалари озуқаси захирасини тўлдириш ва уни сифатини яхшилаш мақсадида, асалари озуқаси таркибига майсали буғдой (сумалак) сувини (10x1) нисбатда яъни 10 литр шакар шарбатига 1 литр сумалак суви қўшиб берилган. Назорат гуруҳида эса фақатгина 50% ли шакар шарбати берилган.

Тайёрланган углеводли озуқани сентябрь ойида, ҳафтада уч мартаба, 0,5 литр миқдорида, бериб борилди. Шунингдек, маҳаллий популяциядаги асалариларнинг қишлови даврида асалари танасида бўладиган айрим физиологик ўзгаришлар ўрганилган ва қишловга кетадиган асалари танасидаги сув миқдори, азот, оқсил, ёғ, кальций ва кул миқдорлари ҳам аниқланган.

3-жадвал

Қишлов даврида асалари танасида кимёвий ўзгаришлар, %

($X \pm S_x$)

Гуруҳлар	Сув миқдори	Азот	Оқсил	Ёғ	Кальций	Кул
Назорат	65,36±0,11	2,81±0,01	20,80±0,03	1,05±0,06	7,04±0,15	3,04±0,16
Сv,%	3,58	2,24	3,10	2,01	3,03	2,10
I тажриба	65,30±0,09	3,91±0,14	24,44±0,07	1,91±0,08	7,35±0,10	3,06±0,10
Сv,%	3,60	2,35	3,39	2,15	3,78	2,18
II тажриба	65,37±0,10	3,87±0,18	25,5±0,18	1,98±0,21	7,40±0,15	3,01±0,15
Сv,%	3,68	2,40	3,50	2,20	3,70	2,22

3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатаётгани биологик фаол моддалар билан озиклантирилган тажриба гуруҳларида, назорат гуруҳларига нисбатан азот миқдори 139,1% га, оқсил миқдори 117,5% га, кальций миқдори 104,4% га ва ёғ миқдори эса энг кўп 181,9% га ошганлиги кузатилган. ($P < 0,999$).

Диссертациянинг «Асалариларни қишловга чидамлилигини ошириш йўллари» қисмида қишлов даврида пахтачилик худудларидаги

асалари оилаларидан намуналар олиниб, уларни қишлоқ даврида асалари орқа ичагида каталаза ферментининг нажас миқдоридаги фаоллиги ўзгариб туриши ўрганилган.

Тажриба гуруҳларида 50% ли шакар шарбати таркибига, 10x1 нисбатда биологик фаол моддалардан бўлган майсали буғдой (сумалак) суви билан озиклантирилган. Назорат гуруҳларида эса фақат шакар шарбати берилган. Шу мақсадда қиш мавсумида ҳар ойда тажриба ва назорат гуруҳларидан 20 тадан асалари намуналари олиниб, асалариларнинг орқа ичагида каталаза ферментининг фаоллиги ўрганилган ва баллар ҳисобида баҳоланган.

4-жадвал

Асалари қишлоқи даврида, унинг орқа ичагида каталаза ферментининг фаоллигини ўзгариб туриши, балл

Гуруҳлар		декабрь	январь	февраль
Назорат	Lim	11-37	17-38	10-33
	X±Sx	24,0±1,10	26,0±1,10	26,0±1,10
	Cv,%	2,41	3,34	4,01
I тажриба	Lim	15-31	29-40	25-42
	X±Sx	26,0±1,10	34,5±1,19	38,5±0,89
	Cv,%	2,42	3,36	4,10
II тажриба	Lim	16-35	27-44	34-35
	X±Sx	25,5±1,15	35,5±1,21	39,5±1,22
	Cv,%	2,44	3,39	4,15

4-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, майсали буғдой (сумалак) суви билан озиклантирилган тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан қишлоқ охирига бориб, асалари орқа ичагида кўп миқдорда каталаза ферментининг фаоллиги аниқланди. Назорат гуруҳида декабрь ойида асалари орқа ичагида каталаза ферментининг фаоллиги 24,0 баллни ташкил этган бўлса, I-тажриба гуруҳида шу даврида 26,0 балл бўлган ёки бу назорат гуруҳига нисбатан 2,0 баллга кўп бўлиб, у 92,8% ни ташкил этди.

Худди шундай назорат гуруҳида январь ойида бу кўрсаткич энг кўп 26,0 баллни ташкил этган. Бу эса тажриба гуруҳида, назорат гуруҳига нисбатан 8,5 баллга кўп бўлиб, 125,4% ни ташкил этган. Қиш охири февраль ойида эса бу кўрсаткич 38,5 баллни ташкил этиб, назорат гуруҳларига нисбатан 12,0 баллга кўп фаол бўлди ёки бу 155,8% га кўпдир ($P>0,999$).


Диссертациянинг «Асалари қишлоқи даврида уя ҳарорати ва ҳаво намлигини ўзгариб туришининг асаларилар организмига таъсири» деб номланган қисмида 2019-2020 йил қишлоқи даврида, қишлоқга кирадиган асалари оилалари танлаб олинган. Уя ҳароратини ўлчаш учун 2019 йил декабрь ойида биринчи термодатчик (чип) асалари уясида тўпланган ғуж атрофида ва иккинчиси эса уядаги ромларнинг четки қисмига қўйилган ва улар февраль ойининг охирида олиниб, программалаштирилган ҳолда компьютерда ўрганилган. Асалари ғужини ўртасида ўрнатилган термодатчикнинг кўрсатишича, қишлоқ даврида уя ҳарорати доимо ўзгариб

турган, 2019 йил 3декабр ойини дастлабки кунларида, ҳаво ҳарорати кескин ўзгариб турган, асаларилар ҳали тўлиғича ғуж атрофида тўпланмаган ва уядаги ҳарорат 0°C - 30°C даражагача ўзгариб турган ва бу жараён 13 декабргача давом этган. Бу даврда асаларилар қуёшли кунларда учиб чиққан, шу даврда даладаги ҳарорат $+10^{\circ}\text{C}$ - -12°C – даражани ташкил этган.

Шундан сўнг, далада ҳаво ҳароратини кескин совиб кетиши натижасида, уядаги ҳарорат бир текисда, ўртача $+14,7^{\circ}\text{C}$ - даражада сақланиб турилган. Бу жараён 2020 йил 17 январгача давом этган. Асалари уясида январь ойининг охирида она асаларини биринчи бор тухум қўйиши кузатилиши муносабати билан, уядаги ҳаво ҳарорати аста-секинлик билан ортиб борган ва бу жараён февраль ойининг охиригача ўзгариб турганлиги кузатилган.

Қишлоқ даврида ғуж атрофида энг юқори ҳарорат $+30,6^{\circ}\text{C}$ ни ва энг паст ҳарорат $+3,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этган бўлса, уядаги ўртача ҳарорат $+14,7^{\circ}\text{C}$ атрофида сақланиб турган.

Худди шундай ҳолатни, 1-расмдан ҳам кўришимиз мумкин.



1-расм. Асалари қишлови даврида уя ҳарорати ва ҳаво намлигини ўзгариб туриши динамикаси

1-расм кўрсаткичларидан шулар намоён бўлмоқда-ки, асалари уясида тўпланган ғуж атрофида уя ҳарорати кўтарилган сари уядаги ҳаво намлиги ҳам унга боғлиқ равишда ўзгариб турган. Бу эса, маҳаллий популяциядаги асалари оилалари қишловини ўташи даврида, уя ҳарорати ва уядаги ҳаво намлиги бир-бирига ўзаро боғлиқлигидан далолат беради.

Худди шундай, уядаги ҳаво намлиги ҳам ғуж атрофида энг баланд 87,1% ни ва энг паст 25,7% атрофида бўлган, ўртача намлик 58,4% сақланиб турган. Рамкалар чеккасида эса ҳаво намлиги кўрсаткичи 75,7% ни ва энг паст рамкалар чеккасида 23,9% атрофида бўлган, ўртача намлик эса 56,9% атрофида сақланиб турганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **IV бобида «Турли хил конструкциядаги асалари қутиларида асалари қишлови»** натижалари келтирилади. Турли хил

конструкциядаги асалари қутиларида қишлаган асалари оилаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам ўрганилган. Бунинг учун асалари оиласидан олинган ялпи асал, товар асал, янги тўқилган рамкалар сони ва мум маҳсулдорлигига эътибор берилган.

5-жадвал

Турли асалари қутиларида боқилган асалари оилаларнинг маҳсулдорлиги (ўртача бир оилага, кг)($X \pm S_x$)

Гуруҳлар	Ялпи асал, кг	%	Товар асал, кг	%	Янги рамка қурди, дона	%	Мум маҳсулдорлиги, кг	%
Назорат	39,3±1,40	100	23,3±0,76	100	5,1±0,47	100	1,04±0,06	100
I-тажриба, 16 рамкали	41,4±1,37	105,3	25,4±0,78	109,0	5,9±0,48	115,6	1,21±0,07	116,3
II-тажриба, 20 рамкали	45,8±1,37	116,5	29,8±0,85	127,8	7,0±0,54	137,2	1,34±0,70	128,8

5-жадвал маълумотларидан кўринишича, II-тажриба гуруҳидаги ётиқ асалари уяларида асалари оиласи яхши қишлаб чиққан. Натижада 20 рамкали ётиқ асалари қутиларида асалари оиласи яхши ривожланганлиги сабабли, она асаларининг кунлик тухум қўйиши 105,6% га ўсганлиги учун оиланинг асал маҳсулдорлиги 105,0% га ошганлиги аниқланди ($P > 0,999$). II-тажриба гуруҳида эса ялпи асал тўплаш назорат гуруҳига нисбатан 116,5% га ошди, товар асал етиштириш 127,8% га, янги рамкалар тўқиши 137,2% га ва мум етиштириш эса 128,8% га ошди ($P > 0,999$).

Шунингдек, ҳар хил асалари қутиларида асалари қишлови ҳам ўрганиб чиқилди. Бунинг учун ҳар хил вариантларда I-тажриба гуруҳида 16 рамкали асалари уялари, II-тажриба гуруҳларида эса 20 рамкали ётиқ асалари уялари ва назорат гуруҳида эса 12 рамкали Дадан типидagi асалари уяларидан, бир хиллик асосида танлаб олинган. Қишловга кирадиган асалари оилаларнинг кучлилиги, озуқа миқдори ва сарфланишига ҳамда асалари табиий нобуд бўлишига эътибор берилган. Хусусан, қишлов охирида она асаларини кунлик тухум қўйиши ва асалари оиласидаги насл миқдори, оиланинг кучлилиги ва уядаги озуқавий асал миқдори кўрсаткичлари ўрганилган.

6-жадвал

Турли хил асалари қутиларида асалари қишлови натижалари ($X \pm S_x$)

Гуруҳлар	Оила кучи, йўлакча ҳисобида	%	Озуқа сарфи йўлакча, кг	%	Асалари чиқими, кг	%	Уя тозаллиги, балл	%
Назорат	5,4±0,13	100	2,6±0,03	100	0,4±0,01	100	0,4±0,20	100
I-тажриба 16 рамкали	5,7±0,33	105,5	2,3±0,02	88,4	0,3±0,01	75	0,5±0,40	125,0
II-тажриба 20 рамкали	5,8±0,01	107,4	2,0±0,04	76,9	0,2±0,00	50	0,4±0,20	100,0

6-жадвал маълумотлари натижаларига кўра, I-тажриба гуруҳида назорат гуруҳларига нисбатан ўртача қишлаганлиги кузатилди. II-тажриба гуруҳида эса қишлоқ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан анча яхши эканлиги кузатилган. Бу оилалар қишлоқ даврида ҳар бир асалари йўлакчаси ҳисобига назорат гуруҳига нисбатан I-тажриба гуруҳида 0,6 кг га кам озуқа асал сарфлаган ёки II-тажриба гуруҳида ҳар бир йўлакча ҳисобига 0,3 кг дан озуқа асал сарфлагани кузатилди. Тадқиқотларимизда асалари оиласи кучи назоратга нисбатан II-тажриба гуруҳида 107,4% га кўп бўлди ва қишлоқ даврида асалари чиқими 0,2 кг ёки 50% га кам бўлди. Уя тозаллиги эса I-назорат гуруҳига нисбатан 25,0% баллга кўп бўлган. Бу маълумотлар статистик ишончлидир ($P>0,999$).

Диссертациннинг «Қишлоқ давридаасалари қутисидаги учиш туйнукларини жойланиши нисбатлари» қисмида, Ўзбекистон шароитида асалари қишлоқини намунали, беталофат ўтишини таъминлаш мақсадида, асалари оиласини очиқ ҳавода қишлатишда, асалари қутиларидаги учиш туйнукларини жойлашишини ва уларнинг асалари қишлоқини намунали ўтишини таъминлашда, асалари уясини шамоллатиш учун устки ва остки учиш туйнукларини бир-бирига нисбати ўрганилган.

Тадқиқот ишлари бир хиллик асосида, 10 тадан асалари оилалари танлаб олинган. Асалари қутиларидаги устки ва остки учиш туйнукларини бир-бирига нисбати, уядаги асаларилар миқдори, она асалари ёши, озуқа захираси, уя тозаллиги ўрганилган.

Тадқиқот ишларида назорат ва тажриба гуруҳларда, назорат гуруҳида асалари қутисидаги устки учиш туйнуклари очиқ ҳолда қолдирилган. I-тажриба гуруҳида фақатгина остки учиш туйнуклари очиқ қолдирилган; II-тажриба гуруҳида эса ҳамма учиш туйнуклари очиқ қолдирилган.

Асалари қишлоқи даврида уядаги ҳарорати, Лазер термометрида, уяда тўпланиб қолган ҳар хил газлар, «Экологис» асбоби орқали CO_2 гази, кислород, уя намлиги, азот миқдори кўрсаткичлар, ҳамма тажриба гуруҳларида ўрганилган.

7-жадвал

Қишлоқ даврида асалари уясида тўпланиб қоладиган ҳар хил газлар миқдори, % ($X \pm S_x$)

Гуруҳлар	n	Азот N	Кислород O ₂	Карбонат ангидрид CO ₂	Сув буғлари %
Назорат гуруҳи, фақат устки учиш туйнуғи очиқ	10	81,4	18,0	6,4	4,4
I-тажриба гуруҳи, фақат остки учиш туйнуғи очиқ	10	88,4	19,4	5,5	3,1
II-тажриба гуруҳи, устки ва остки учиш туйнуғи очиқ	10	78,0	16,0	4,1	2,0

7-жадвал маълумотларидан кўринаяптики, назорат гуруҳларида азот миқдори 81,4% га, кислород 18% га ва карбонат ангидрид гази эса энг кўп

6,4% га чиқган, ҳамда уядаги намлик яъни сув буғлари ҳам кўп бўлиб, улар 4,4% ни ташкил этган. I-тажриба гуруҳларида эса бу кўрсаткичлар анча кўп бўлиб, азот миқдори 88,4% ни, кислород 19,4% ни, карбонат ангидрид газини анча паст 5,5% ни ва уядаги намлик эса кўпайиб, 3,1% ни ташкил этган. II-тажриба гуруҳларида эса бу кўрсаткич уядаги азот миқдори 78,0% ни ташкил этган ёки бу назорат гуруҳига нисбатан анча паст бўлиб 95,8% ни ва I-тажриба гуруҳига нисбатан 88,2% га кам бўлган. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, асалари қишлови даврида II-тажриба гуруҳида асалари қутисидagi устки ва остки учиш туйнукларида ҳамма кўрсаткичлар назорат гуруҳи ва I-тажриба гуруҳларига нисбатан жуда яхши бўлганлигидан далолат беради. Биз ўтказган тажрибаларимизда II-тажриба гуруҳида қишлов даврида асалари уясида 78,0% азот, 16,0% ни кислород, 4,1% ни CO₂ газини ва 2,0% ни эса сув буғлари ташкил этишини аниқладик.

Худди шундай, II-тажриба гуруҳида уядаги кислород ҳам 16,0% ни ташкил этган, назорат гуруҳи ва I-тажриба гуруҳларга нисбатан 88,8% ва 82,4% ларга камайган. Шунингдек, уядаги карбонат ангидрид газини ҳам анча миқдорда камайган ва ўртача 4,1% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич барча нормаларга тўғри келади ($P > 0,999$). Чунки қишлов даврида уяда карбонатангидрид газини ортиши, асалариларга салбий таъсир этади, хатто уларни нобуд бўлиш ҳолатига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотларимиз даврида, асалари қутиларидаги устки ва остки учиш туйнуклари очик ҳолда колдирилган II-тажриба гуруҳларида яхши натижалар олинган. Хусусан, бундай ҳолда уядаги тоза ҳаво оқими бошқа тажриба гуруҳларига нисбатан анча яхшилланган, карбонат ангидрид газини эса ўртача 4,1% ни ташкил этган, ортиқча газларни тўпланишига йўл қўйилмаган. Натижада, бундай оилаларда асалариларнинг қишлови беталофат ўтган.

Тадқиқотлар даврида, асалари қутисидagi устки ва остки учиш туйнукларини бир-бирига ўзаро нисбатларини оила кучига, озуқа сарфига, уядаги асалари чиқими ва баҳорда асалари наслининг етиштиришдаги таъсирини ҳам ўрганилган.

8-жадвал

Қишлов даврида асалари қутисидagi учиш туйнукларини жойлашиш нисбатининг оила ривожига таъсири ($X \pm S_x$)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	Назорат	I тажриба	II тажриба
Асалари оиласининг куздаги кучи, кг	1,5±0,19	1,6±0,14	1,8±0,09
Қишда асалари чиқими, кг	0,4±0,22	0,3±0,01	0,2±0,04
Асалари оиласини баҳордаги кучи, кг	1,1±0,37	1,3±0,09	1,6±0,04
Озуқа сарфи, кг	12,5±1,21	11,3±0,20	9,5±0,18
Ҳар бир асалари йўлакчасига озуқа сарфи, кг	2,5±1,24	2,2±0,13	2,1±0,14
Баҳорда асалари наслини етиштириш, 5×5 кв см	71,1±0,18	83,4±1,21	110,4±1,31

8-жадвал маълумотларидан кўринишича, асалари қутисида жойлашган учиш туйнукларининг бир-бирига нисбати оила маҳсулдорлигига ўзгача таъсир этган, қишлоғга кетиш олдидан назорат гуруҳида оила кучи 1,5кгни ташкил этган бўлса, қишлоғдан сўнг унинг кучи 1,1 кг га камайган, қишлоғ даврида уядаги асалари чиқими эса 400 г ни ташкил этган. Бу кўрсаткич I-тажриба гуруҳида 300 г, атрофида бўлиб, II-тажриба гуруҳига нисбатан асалари чиқими 100,0 г га ёки бу 33,3% га кам бўлган, II-тажриба гуруҳида эса асалари чиқими 200 г ни ташкил этган, бу кўрсаткич I-тажриба гуруҳига нисбатан 300 г ни ташкил этган, назорат гуруҳига нисбатан эса 200 г га ёки 50% га кам бўлган ($P>0,95$).

Қишлоғ даврида озуқа сарфи ҳам бир-биридан кескин фарқ қилиши кузатилди. Назорат гуруҳида қишлоғ даврида 12,5 кг озуқа сарфланган бўлса, бу кўрсаткич I-тажриба гуруҳида 11,3 кг-ни ёки назорат гуруҳига нисбатан 10,6% га кўп озуқа сарфланган, II-тажриба гуруҳида эса ўртача 9,5 кг озуқа сарфланган, у назорат гуруҳига нисбатан 76,0% га кам бўлган ($P>0,998$).

Қишлоғдан сўнг асалари оиласида насл етиштиришда ҳам катта фарқ сезилмоқда, қишлоғдан сўнг асалари оиласида насл етиштириш назорат гуруҳига 71,1 кв-ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич I-тажриба гуруҳида 83,4 кв-ни ёки назорат гуруҳига нисбатан 12,3 кв-га ёки 17,3% га кўп бўлган. Бу кўрсаткич II-тажриба гуруҳида 110,4 кв-ни ташкил этган, ёки назорат гуруҳига нисбатан 39,3 кв-га кўп бўлган, бу эса 55,3% га кўплигини кўрсатиб бермоқда. Бу кўрсаткичлар ҳамма вариантларда статистик тўғри бўлиб, унинг ишончлилиқ даражаси $Cv=23,4\%$ ни ташкил этди ($P>0,999$).

ХУЛОСАЛАР

1. Асалари оиласини сифатли озуқалар билан озиқлантириб туриш она асаларининг кунлик тухум қўйишини кўпайтириши билан бирга асалари оиласини ўсиши ва ривожланишини ўрганишда ижобий таъсир этиб муҳим зоотехникавий тадбир ҳисобланади.

2. Республикамизнинг тоғ олди худудларида асалари оиласининг қишлоғининг тинч даврида кучли асалари оилаларида уядаги ўртача ҳарорат $+14,7^{\circ}C$ даражадан юқори бўлди, бир хилдаги ортиқча тебранишсизликда бир меъёردа иссиқликни сақланиши аниқланди. Шунингдек кучли асалари оилаларида кучсиз оилаларга нисбатан ҳарорат йўқотиши камроқ бўлиши ва қишлоғ якунида эса бундай оилаларда ёш наслнинг пайдо бўлиши билан уя ичидаги ҳарорат $+35^{\circ}C$ даражагача кўтарилиши, кучсиз оилаларда эса бу кўрсаткич $+32^{\circ}C -33^{\circ}C$ даражада атрофи бўлиши аниқланди.

3. Асалари оилаларини 20 рамкали ҳамда янги рамкаларда қишлоғга тайёрлаш, уни чидамлилигини оширишда асалари озуқасига қушимча табиий биологик фаол модда майсали буғдой (сумалак) суви қўшиб беришни илмий асоси ўрганилган. Табиий биологик фаол модда (сумалак) суви асаларилар озуқаларини уни организмда сурилишини меъёрлаштиради. Асалари

озуқаси таркибидаги углевод, ёғ ва оксилларни хазимловчи ферментларни фаолиятини ва асалари оиласини қишловдан чиқишини 15-20% га оширади.

4. Асалари оиласини қишловга чидамлилигини ошириш ва уларнинг озуқаси таркибида ўткир асал бўлмаслигини олдини олиш мақсадида асалари оиласини қишлов олдидан 60% ли шакар шарбати билан боқилганда асалариларнинг орқа ичагида ҳеч қандай салбий таъсир этадиган жароҳатлар бўлмаслиги аниқланди.

5. Асалари оиласини қишловдан соғлом чиқишини таъминлаш мақсадида уядаги асаларилар кучи ва озуқа захираси катта аҳамиятга эгадир. Республикамиз шароитида қишлов даврида кучсиз ҳисобланган 3,5-4,0 ром оралиғидаги йўлакчаларга эга бўлган асалари оилалари қишловдан соғлом чиқиши ва келгусида яхши оила сифатида ривожланиши аниқланди. Аммо энг кучсиз асалари оилалари 2-3 ром оралиғидаги асалари оилалари эса мақбул қишлов шароитида ҳам баҳоргача соғлом чиқмаслиги ва кўплаб нобуд бўлиши аниқланган.

6. Асалариларни қишловга чидамлилигини ошириш мақсадида қишловдан олдин уларни оиласида очик рангли тоза, эскирмаган асалари рамкаларини қолдириш мақсадга мувофиқдир, чунки бундай рамкаларда касаллик микроблари бўлмайди, асаларилар қишлов даврида касалланмайди ва қишловдан соғлом чиқарилган.

7. Ҳар хил конструкциядаги асалари қутиларини оила қишловида таъсири синаб кўрилганда, 20 ромли ётиқ арихоналарда бошқа типдаги арихоналарга нисбатан асаларилар яхши қишлагани ва кам озуқа сарфлаганлиги аниқланди. Хусусан ётиқ арихоналарда иккита асалари оиласи жойлаштирилганлиги сабабли улар бир-бирида ўзаро тафт (иссиқлик) олиб туриши, бундай оилалар қишловдан талафотсиз чиққанлиги ва баҳорда кўп миқдорда насл етиштирилганлиги аниқланган.

8. Ҳар хил конструкциядаги асалари қутиларидаги учиш туйнукларини бир-бирига нисбати юқори даражада бўлди. Қишлов даврида асалари қутисидаги ҳар иккала учиш туйнукларини очик ҳолда қолдириш яхши натижалар берди. Натижада асалари уясида ҳар хил газларни ортиқча тўпланиши бошқа гуруҳларга нисбатан 15-33% га кам бўлди, ҳамда оила кучи ўртача бўлиб, озуқа сарфи эса кам бўлди ва баҳор ойига келиб, уларнинг ривожланиши 50,0% га кўп бўлганлиги аниқланган.

9. Қишлов олдидан асалари танасидаги азот моддасини кўп бўлиши асаларилар қишловини намунали ўтишини таъминловчи унсурдир. Қишловдан олдин асалари танасида азот миқдори 1,9% ни ташкил этган бўлса, қишлов охирида у 2,2% ни ташкил этган ҳамда қишловни намунали ўтишига ижобий таъсир этган. Шу тариқа асалари қишлови охирида асалари танасидаги варроа канаси сони ҳам анча миқдорда 1,5% га камайганлиги аниқланган.

10. Ётиқ асалари қутиларида асалари оиласи яхши қишлаб чиққан, натижада 20 ромли ётиқ асалари қутиларида асалари оиласи яхши ривожланганлиги натижасида она асаларининг кунлик тухум қўйиши 19,0% га ўсганлиги учун оиланинг асал маҳсулдорлиги 16,3-17,3% га ошганлиги аниқланди, янги рамкаларни тўқитиш 37,2% га ва мум етиштириш эса 10,7% га ошганлиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.06/09.07.2020. Qx/V.117.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФИЛИАЛЕ САМАРКАНДСКОГО ИНСТИТУТА ВЕТЕРИНАРНОЙ
МЕДИЦИНЫ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПТИЦЕВОДСТВА**

ЭШДАВЛАТОВ ОРИФ ЗОКИРОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗИМОВКИ МЕСТНЫХ
ПОПУЛЯЦИИ ПЧЕЛ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

06.02.03-Частная зоотехния. Технология производства продуктов животноводства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/Qx482.

Диссертация выполнена в научно-исследовательском институте животноводства и птицеводства Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице по адресу (www.svmitf.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:	Тураев Омон Сафарович Кандидат сельскохозяйственных наук
Официальные оппоненты:	Данниров Умирзоқ Тухтамуродович Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Кахрамонов Баймахмат Абдуазизович Кандидат сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт Каракулеводство и экология пустыни

Защита диссертации состоится «9» 06 2021 г. В 10⁰⁰ часов на заседании научного совета по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным и ветеринарным наукам PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 при Ташкентском филиале Самаркандском институте ветеринарной медицины. (Адрес: 111801, Ташкентская область, Зангиотинский район, Уртаовул КФЙ, ул. Амир Темура. Тел.: (+99870) 975-83-11; email:svmi.tfi@yandex.ru, www.svmitf.uz, малый конференц-зал Ташкентского филиала Самаркандского ветеринарного института.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского филиала Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирован за № 1) (Адрес: 111801, Ташкентская область, Зангиотинский район, Уртаовул КФЙ, ул. Амир Темура. Тел.: (+99870) 975-83-11, факс: (99870)9758311).

Автореферат диссертации разослан «22» 05 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «24» 05 2021 года)



Б. К. Мадартов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени д.с.-х.н.

М. Э. Гойнинова
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, д.с.-х.н.,

С. И. Маллонов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени, д.с.-х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире обеспечение населения продуктами питания является одной из важных задач. По сведениям всемирной организации безопасности продуктов питания (ФАО) за 2019 год «...в мире по производству меда лидирующие места занимают Индия, Китай, Турция»¹. Однако, по численности пчелиных семей Азия составляет 42,4%, Европа-21,4%, Африка-21,2%. В последнее время наблюдается уменьшение пчелиных семей. Для этого правильная организация зимовки пчелиных семей, их успешная, без потерь зимовка в настоящее время является одной из актуальных проблем пчеловодства.

В развитых странах, в пчеловодческом направлении многие годы проводятся научные исследования преимущественно над местными популяциями пчел. Выработка современных инновационных технологий с целью увеличения зимостойкости пчел местной популяции в период зимовки, коренное улучшение качества пчел, их разведение, успешное выведение из зимовки, прикармливая натуральным кормом, а также выработка технологий получения натурального, экологически чистого медового продукта имеют особое значение в данном направлении.

Внедряются целевые меры по подготовке к зимовке местной популяции пчел в климатических условиях Узбекистана и организация их успешной зимовки, получение большого урожая меда. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены следующие задачи по «модернизации и интенсивному развитию сельского хозяйства, расширению производства конкурентноспособной продукции, значительному увеличению экспортной способности отрасли»². Исходя из этих задач, в том числе, расширение научно-исследовательского масштаба по дальнейшему развитию благополучного проведения зимовки пчелиными семьями в пчеловодстве и увеличению зимостойкости пчел местной популяции в резко континентальных климатических условиях соответствует цели.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года УП-5358 «Об утверждении Стратегии по развитию сельского хозяйства Республики Узбекистан, намеченного на 2020-2030 года», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 16 октября 2017 года ПП-3327 «О мерах по дальнейшему развитию пчеловодческой отрасли в Республике», Постановлении ПП-5017 от 3 марта 2021 года «О дополнительных мерах по дальнейшей поддержке государством

¹www.apeworld.ru

²Постановление Президента Республики Узбекистан ПП №4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”

отраслей скотоводства», а также в других нормативно-правовых документах, касательно данной сферы.

